

ТИЛ БИРЛИКЛАРНИНГ НОМИНАТИВ МАҚОМИ ХУСУСИДА

*Н.Сулейманова*¹

Аннотация:

К вопросу о номинативном характере предложения. В статье основное внимание автора уделяется вопросу о номинативном характере предложения, что является весьма актуальным в современном языкознании. В ходе анализа фактического языкового материала номинативное значение сопоставляется с предикативным значением.

Калит сўзлар: коммуникативлик, предикативлик, номинативлик, фразеология, лингвистика.

doi: <https://doi.org/10.2024/c4evp285>

Тил бирликлари саналувчи турғун бирикмалар, фразеологик ибораларнинг номинатив маънолари ва ҳатто, нутқ бирлиги - гапнинг номинатив белги – хусусиятлари ҳам сўз воситасида воқеланади. Бошқача айтганда, гапнинг мазмуний салмоғи унинг таркибий қисмини (қурилиш материаллини) ташкил этувчи сўзлар синтездан келиб чиқади. Бундан, албатта, гап колипидаги фразеологик иборалар истиснодир.

Шунга ҳам аҳамият бериш керакки, гап ҳар доим предикатив белгилidir, зеро, у орқали воқеликка муносабат ифодаланади. Ҳатто бир сўзли гаплар ҳам бундан ҳоли эмас. Аммо предикатив ва номинатив маънолар муштарак бўлмайди. Чунки предикативлик ҳодисасининг мазмуни эътибори марказида воқеликка муносабат билдириш ётса, номинативлик маъносининг бунга алоқаси йўқ. Бу жиҳатдан предикативлик билан номинативлик ҳодисаларини қарама – қарши дейиш мумкин. Мазкур ҳодисалар фақат семантик инвариантни тақозо этувчи пропозиция тушунчаси орқали ўзаро муносабатда бўла олади. Зотан, пропозиция гапнинг умумий синтактик структураси учун ҳам, номинализация ҳодисаси доирасида шаклланган трансформалари учун ҳам бирдай аҳамият касб этади. Пропозицияни гапнинг семантик структураси тарзида талқин этар эканмиз, предикативлик ҳодисаси ҳам, номинализация ҳодисаси ҳам унинг таъсирида воқеланиши шубҳасиздир. Н. Ю. Шведованинг мулоҳазасига кўра, гапнинг грамматик жиҳатидан шаклланишида унинг семантик структураси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, предикативлик ва номинализация ҳодисаларининг маълум даражасида алоқаси борлигини курсатади. Бироқ буни мутлақ характерли деб тушунмаслик лозим. Чунки масала тавсифига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, номинативлик ҳодисаси воқеликка муносабат билдиришдан йироқдир. Шунинг учун ҳам сўз бирикмаларини, одатда, номинатив бирлик деб атайдилар. Одатда, сўзни номинатив бирлик сифатида ўрганамиз, зотан, у (бундан номуस्ताқил сўзлар мустасно) воқеликдаги нарсалар-предметлар ва воқеа-ҳодисаларни аташ учун хизмат қилади. Аммо бу жараёнда сўз воситасида ифодаланган атов маъноси ҳар доим ҳам ўзининг ички имкониятларига кўра бир хил мақомга эга бўлаолмайди. Баъзи сўзларда номинативлик белгиси уларнинг предмет ифодасини бериши билан, айрим сўзларда эса воқеа-ҳодиса ёки ҳолат маънолари билан боғлиқ номинатив белгиларнинг мавжудлигини кўрамиз.

¹ *Сулейманова Наргиза Мардоновна, Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили назарий аспектлари кафедраси доценти*

Баъзи сўзларда, масалан, кўмакчи ва боғловчиларда номинативлик аломатини кўзга ташланмайди. Бироқ бу билан барча ёрдамчи сўзларда аналогик вазият кузатилади деб бўлмайди. Фикримиз далилини ёрдамчи феълларда кўринишимиз мумкин: айта бошлади, ўқиб чиқди, айтиб турди ва ҳ.к. Айни пайтда ёрдамчи мавқега эга бўлган бошлади, чиқди, турди, сўзлари ҳам ички хусусиятларига кўра номинативлик белгисига эга эканлиги изоҳ талаб қилмайди.

Умуман олганда, номинативлик бирликлар ичида асосий (марказий) ўринда сўз туради. Сўзнинг бундай хусусияти тилнинг луғат таркибида келишида ҳам, сўз бирикмалари ва гап компонентлари вазифасини бажаришида ҳам бирдай ўзгармас характерга эгадир. Айниқса, сода сўзлар яхлит холдаги (глобал) номинатив маъно ифодасини бериши билан алоҳида ажралиб туради. Аммо сўзларнинг ўзаро муносабати натижасида вужудга келувчи сўз бирикмалари англатган номинатив маъно, содда сўзлардагидан фарқли равишда, бирдан ортиқ номинатив маъноларнинг қоришуви сабабли мураккаб характер касб этади. Бундай вазиятда шаклланган номинатив маъно кўшимча белгиларга эга бўлади. Масалан: большой стол, clean room (тоза хона), қизикарли китоб.

Келтирилган мисоллар турли тиллардан олинган бўлишига қарамай, сўз бирикмалари мураккаб номинатив бирликларни намоён этишини кўрамай. Бунда номинатив маънонинг мураккаблигини столнинг белгиси катта эканлигида, хонанинг белгиси тозаллигида ва китобнинг белгиси қизикарлигида воқеланаётганида кузатамиз. Бироқ бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, сўз бирикмаларини тақозо этувчи фразеологик бирликларда номинатив маъно ифодаси бўлинмас, бошқача айтганда, глобал характерли бўлади. Бунинг асосий сабаби фразеологик бирликларининг маънолари компонентлари маъноларининг синтездан иборат бўлмаслигидадир: A plain dealer (тўғри сўз одам), нияти қора, қўли эгри ва ҳ.к. Бундай сўз бирикмаси қолипдаги фразеологик ибораларнинг номинатив маъно ифодалаши доимий характерлидир, зеро, улар тилда тайёр ҳолда мавжуддир. Аммо эркин сўз бирикмаларининг номинатив маъно ифодасини англатиши ҳақида бундай хулоса чиқариб бўлмайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар нутқда шаклланади ва ҳар сафар ана шу жараёндагина номинатив бирлик мақомини олади.

Нутқ бирлиги гапнинг номинатив маъноси воқеланишида юқорида эркин сўз бирикмаларига тааллуқли деб кўрсатилган «жараён» тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, гап ҳам нутқда шаклланади ва бу жараёнда номинатив маъно вужудга келади. Бироқ гапнинг, сўз бирикмаларидан фарқли равишда, бошқа жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни биринчи галда коммуникативлик ва предикативлик аломатларида кўрамай. Гапнинг коммуникатив вазифаси унинг нутқда реал қўлланиши билан боғлиқ, зеро, ҳар қандай гап ҳам амалда қўлланиши учун муайян коммуникатив вазифага эга бўлмоғи лозим. Предикативлик ҳодисаси эса гап орқали воқеланаётган хабарнинг воқеликка муносабатини билдиради. Бу жиҳатдан коммуникативлик ва предикативлик ҳодисалари узвий боғланади.

Номинативлик ҳодисасининг ҳам гапнинг ана шу икки жиҳати билан алоқаси бор. Бироқ бу алоқа коммуникативлик ва предикативлик ҳодисаларининг ҳар иккисига ҳам бир хил даражали эмас. Номинативликнинг коммуникативлик ҳодисаси билан боғланиши анча саёз. Чунки гапнинг коммуникатив вазифаси ва унинг ижроси жараёнида, номинативлик ҳодисаси иккинчи даражали бўлиб қолади. Зотан, мулоқот даврида гапнинг атов маъносидан эмас, балки унинг умумий семантик салмоғидан фойдаланамиз. Предикативлик ҳодисасининг эса йўриғи бошқа. Бу ҳодиса номинативлик ҳодисасига коммуникативлик ҳодисасига қараганда анча яқин туради. Бунинг асосий боиси шундаки, гап орқали ифодаланадиган номинативликнинг денотати предмет эмас, балки бутун бир ситуация хисобланади. Бу, албатта, ўз навбатида, номинативлик билан предикативлик ўртасида муайян муносабат

борлигидан далолат беради. Бундан ташқари, предикативлик пропозиция (гапда ифодаланаётган хабарнинг мазмуни салмоғи) тушунчаси билан ҳам узвий боғлиқдир. Пропозиция тушунчаси мавжуд экан, у ерда предикативлик ҳодисасининг воқеланиши табиийдир. Бироқ бу билан предикативлик пропозиция ҳодисасини воқелантирувчи омил экан, деган хулосага келиб бўлмайди. Чунки пропозиция ҳодисаси предикативлик шаклланиши учун асос бўлиши мумкин, аммо аксинча эмас.

Умуман олганда, ҳозирги тилшунослигимизда коммуникативлик, предикативлик ҳамда номинативлик тушунчаларари ўртасидаги муносабат масаласи изоҳталаб бўлиб қолмоқда. Албатта, мазкур тушунчаларининг ҳар бири бир неча монографик тадқиқот учун асос бўлган. Лекин улар ўртасидаги боғланиш даражаси масаласининг тадқиқи бобида ҳали жумбоқли ҳолатлар анчагина кўринади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Арутюнова Н.Д. Пропозиция// Лингвистический энциклопедический словарь- М., 1990 стр-401.
- [2]. Ашуров Ш., Мирзакулова М. Концепт «любовь» в пословичной картине мира в английском и узбекском языках //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 78-83.
- [3]. Ашуров Ш., Шукурова Ф. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар этимологиясига оид айрим мулоҳазалар //международный журнал искусство слова. – 2020. – Т. 3. – №. 2.
- [4]. Золотова Г. А., Ониненко Н.К., Сидорова М.Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. – М., 1998.
- [5]. Степанов Ю. С. Основы общего языкознания. – М., 1975.
- [6]. Манаенко Г. Н. Предикация, предикативность и пропозиция в аспекте “информационного” осложнения предложения //Филологические науки, 2004,. 2.
- [7]. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996.
- [8]. Крылова О. А., Максимов Л.Ю., Ширяев Е. Н.Современный русский язык. Теоретический курс. Синтаксис. Пунктуация. – М.,1997. стр. 22-23.
- [9]. Стросон Н.Ф. О референции //Новое в зарубежной лингвистике. Вып.ХIII. Логика и лингвистика (Проблема референции). – М., 1982.
- [10]. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990.
- [11]. Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории.- М. , 1972 стр-26-29.
- [12]. Маскальская О. И.Проблемы системного описания синтаксиса. – М., 1974.